# ВАТАНИМИЗ ТИНЧ, ХАЛҚИМИЗ

## ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

### Парламент ислоҳоти йўлида

**27 январь — мамлакатимизда умумхалқ референдуми ўтказилди. Унда фуқароларимиз «Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?» ва «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?» деган иккита муҳим масала юзасидан овоз беришда қатнашди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг референдуми бўлиб ўтгани ва умумхалқ овозига қўйилган масалалар фуқаролар томонидан маъқуллангани ҳақида қарор қабул қилди.**

* * *

**4 апрель — Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилинди.**

* * *

**29-30 август — Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзуида дастурий маъруза қилди.**

* * *

**12 декабрь — Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар қабул қилинди.**

### Қариялар эъзозда

**2002 йил 24 январда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.**

* * *

**Йил давомида республика бўйича 28 мингдан ортиқ турли тадбирлар ўтказилиб, уларга 1,7 миллион фахрий, 2 миллиондан ортиқ ёшлар жалб қилинди.**

* * *

**Қарияларимизни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида пенсия миқдорининг 1,3 марта кўпайтирилгани, кексаларимизга қўшимча имтиёзлар бериш учун биргина Пенсия жамғармаси томонидан 39 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилди.**

* * *

**Йил давомида 2 миллионга яқин қария диспансер назорати ва тиббий кўрикдан ўтказилди, 30 мингдан зиёд отахон ва онахонларимиз санаторияларда ва тиббиёт масканларида бепул даволанишди. Қорақалпоғистон Республикасида «Тахиатош» санаторий-профилакторийси, Наманган вилоятида уруш ва меҳнат фахрийларига мўлжалланган «Косонсой» сиҳатгоҳи, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида «Саховат уйи» барпо этилгани йилнинг муҳим воқеасидир.**

* * *

**Ногирон ва қаровчисиз кексаларга 1 миллиард 340 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, бу мўлжалдагидан уч баравар кўпдир. Шунингдек, 900 нафар ёлғиз кексаларнинг уйлари давлат томонидан таъмирлаб берилди, 11 минг 700 нафар ёлғиз қарияларга давлат дастурида кўзда тутилган имтиёзли ёрдам амалга оширилди, уларга 3 мингдан зиёд ҳамшира хизмат кўрсатди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари 3 минг 700 кексани ўз оталиғига олишди.**

* * *

**Ўзбекистон Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси «Қарияларни қадрлаш йили»га бағишлаб 6 табоқ ҳажмдаги «Эл ардоғида» деб номланган очерклар тўпламини 2000 нусхада нашр этди. Унда маънавий ва маърифий қадриятларимизни аҳоли орасида кенг ёйётган отахону онахонлар ҳақида ҳикоя қилинади.**

### Шаҳрисабз - муқаддас замин

**Ўтган йилнинг 1-2 ноябрь кунларида Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик юбилейи халқаро миқёсда нишонланди. Дунёнинг турли мамлакатларидан меҳмонлар келди. Шаҳардаги обидалар ЮНЕСКО томонидан жаҳон мероси рўйхатига киритилди.**

* * *

**22 март куни Тошкентда Ўзбекистоннинг янги санъат кошонаси — консерваториянинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**

* * *

**Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида қатағон қурбонлари хотираси музейи барпо этилди. Музей халқимизнинг Чор Россияси истилосидан мустақилликкача бўлган даврда кўрган жабру ситамлари қатағон мавзуи орқали акс эттирилган.**

### Ҳарбий соҳа

**Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.**

**Ушбу қонунда 2003 йил баҳоридан фарзандларимизнинг Қуролли Кучларда хизмат ўташ муддати 18 ойдан 12 ойга қисқартирилди.**

### Соғлиқни сақлаш

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида Республика Шошилинч тиббий ёрдам маркази ҳамда унинг Нукус шаҳри ва вилоят марказларидаги филиалларини ташкил этиш билан боғлиқ алоҳида банд мавжуд бўлиб, шунга кўра, бу йил марказнинг янги — беморларни қабул қилиш ва яна бир қанча бўлимлари очилди. Бугунги кунда марказ 760 ўринга эга. Унда 3 минг нафарга яқин тиббий ходимлар меҳнат қилишади. Марказнинг вилоятларда 12 бўлими ҳамда туман марказий шифохоналарида 171 та филиаллари аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.**

## Фарзандларимиз парвози баланд бўлсин!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Истиқлол йилларида шўролар замонида одатий ҳолга айланган экологик зуғум, болаларнинг оммавий тарзда бутифос каби кимёвий оғулардан заҳарланиши, камқонлик ва шунга ўхшаш бошқа хасталикларга чалинишига чек қўйилди. Лекин, деди Президент, аччиқ бўлса ҳам бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: соғлом авлод тарбияси кўпроқ бир ёқлама, яъни тиббиёт йўналишида олиб борилмоқда. Ваҳоланки, спорт азал-азалдан ҳам жисмоний, ҳам маънавий етуклик омили бўлиб келган. Халқимиз бекорга, соғлом танда — соғлом ақл, демайди.

Спортнинг миллий генофондни яхшилаш, ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, миллатнинг ғурур-ифтихорини кўтариш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва бошқа талай соҳалардаги аҳамияти бениҳоя каттадир. Бир мисол. Ўзбек курашининг довруғи бугун етти иқлимга таралмоқда. Демак, спортнинг миллий қадриятларимизни тиклашда ҳам беқиёс ўрни бор.

Президент болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Спорт фақат пойтахт ёки вилоят марказларидагина ривожланмай, энг олис қишлоқларга, чекка ҳудудларга ҳам етиб бориши ва у, албатта, оммавий бўлиши керак. Бу ишга болаларни фақат тилда эмас, дилидан яхши кўрадиган, уларга мураббийлик қилишдан толмайдиган, бир сўз билан айтганда, фидойи мутахассисларни жалб этиш ўта муҳимдир.

Жойларда болалар учун спорт иншоотлари қуришда палапартишликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу иш илмий жиҳатдан чуқур асосланган ҳолда замонавий лойиҳалар бўйича режали амалга оширилиши керак. Бу борада бизга кенг кўламда олиб борилаётган лицей ва коллежлар қуриш тажрибаси қўл келиши мумкин.

Болалар спортини ривожлантиришга ҳомийлар иштирокини қўллаб-қувватлаймиз, деди Президент. Бу ёрдам фарзандларимизнинг камоли учун астойдил жон куйдирган чин ватанпарвар инсоннинг беминнат ҳиммати тарзида намоён бўлиши керак.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлагановнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишларга доир ахбороти тингланди.

Вилоят ҳокимларига жойлардаги вазият билан чуқур танишиш, болалар спортини ривожлантиришнинг имкониятларини обдон ўрганиб, аниқ таклифлар бериш тавсия этилди.

Болалар спортини ривожлантириш фақат дахлдор идоралар, мутахассисларнинггина эмас, барчанинг ва ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир, деди Президент пировардида. Мен бу тадбирнинг умуммилий ҳаракат даражасига кўтарилишини истар эдим.

Фарзандларимизда 5-7 ёшдан бошлаб спортга меҳр уйғотсак, спорт бора-бора уларнинг доимий ҳамроҳларига айланади. Спорт билан шуғулланган одам ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш йўлида собитқадам бўлади. Эртасига ишонч билан қарайди. Соғлом киши ҳар бир кунидан олам-олам завқ олади, таъбир жоиз бўлса, қанот чиқариб учиб юргандек бўлади.

Фарзандларимизнинг парвозлари ҳамиша баланд бўлсин!

**М. РАҲМОНОВ.**
**(ЎзА).**

*Мамлакатимиз ёшларининг халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари барчамизни қувонтиради. Юртимиз фарзандларининг турли даражадаги беллашувларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилаётганидан фахрланамиз. Айни пайтда бу муваффақиятлар зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Чунки эришилган натижалар биз учун сўнгги марра эмас.*

## ЯНГИ ЖАМҒАРМАНИНГ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Спорт турлари доирасини янада кенгайтириш, янада оммавийлаштириш учун эса мукаммал дастурлар ишлаб чиқиш, болаларга мўлжалланган спорт мажмуалари барпо этиш ва уларни энг замонавий анжомлар билан жиҳозлаш зарур. Президентимиз Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг олдига ана шундай юксак вазифалар қўйилган.

29 декабрь куни пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театри биносида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан келган делегатлар орасидан конференция Раёсати сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур жамғарма фаолиятини ташкил этишга қаратилган қарорининг ижроси бўйича Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов маъруза қилди.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Низоми лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Муҳокамада сўзга чиққан шахмат бўйича Осиё чемпиони Ю.Ҳамроқулова, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти раҳбари А.Абдуқаҳҳоров, Андижон вилояти спорт қўмитаси раиси М.Муҳиддинов, дзюдо бўйича республика терма жамоаси бош мураббийи А.Багдасаров ва бошқалар тузилаётган жамғарманинг аҳамияти ҳамда Низоми лойиҳаси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жамғарманинг Низоми ва бошқаруви аъзолари тасдиқланди. Васийлик кенгашининг таклифига кўра, Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкилий ишлар ва кадрлар бўйича гуруҳ раҳбари лавозимида ишлаб келаётган Алишер Мирқосимов жамғарма бошқарувининг раиси — ижро этувчи директори этиб сайланди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик кенгашига раислик қилишни ўз зиммасига олган. Бу эса ёшларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг амалдаги яна бир намунасидир.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергенов сўзга чиқди.

Конференцияда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосарлари Д.Ғуломова, Р.Азимов, Ҳ.Кароматов иштирок этди.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ОБОД МАҲАЛЛА — ОБОД ЮРТ, ДЕМАК

Халқимиз ҳаётида маҳалланинг ўрни катта. Инсон туғилганидан то умри охирига қадар шу муҳитда шаклланади, вояга етади, тарбияланади. Инсоннинг қувончу ташвишлари, ҳаётида учрайдиган яхши-ёмон кунларида маҳалла аҳли доимо ҳамнафас бўлади. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримов истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ тарихан таркиб топган маҳалла ижтимоий институтини янги босқичга кўтариш, уни демократик жамият қуришнинг асосий негизларидан бири сифатида ривожлантириш ташаббусини илгари суриб келади. Президентимиз ташаббуси билан 2003 йилнинг мамлакатимизда "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши мана шу хайрли ишнинг мантиқий давоми бўлди.

Тошкент ислом университетида "Обод маҳалла йили" дастурини шакллантириш ва амалга оширишда маънавий-маърифий тадбирларнинг ўрни" мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шу ҳақда гап борди.

Мулоқотни Бош вазир ўринбосари, мазкур университет ректори Ҳ.Кароматов бошқарди.

Давра суҳбатида "Обод маҳалла йили" сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларининг комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди, муайян таклифлар ва амалий тавсиялар ҳамда тадбирлар белгиланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳуснидинов, Бош вазир ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова сўзга чиқди.

**(ЎзА).**





## Ҳаммаси — халқимиз дастурхонига



Деҳқону боғбон, миришкору чорвадор етиштирган маҳсулоти рўзғоридан ортсагина, уни бозорга чиқариб сотади. Топган даромадига фарзандлари, оиласига керакли нарсани шаҳарлик савдогардан харид қилади. Бу бозор муносабатларининг оддий бир қонуни, холос. Таъкидлаш жоизки, катта байрамлар арафасида, кузги-қишки мавсум олдидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб кескин даражада ошиб кетади. Албатта, бундай пайтларда мутасадди вазирлик, ташкилотлар томонидан уюштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмарка-савдоларининг аҳамияти беқиёс. Янги йил савдо-ярмаркаси бунинг исботидир.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 9 декабрдаги «Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида»ги 738-сонли фармойишига асосан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига кирувчи хўжаликлар томонидан айни кунга қадар 146 тонна картошка, 555 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 14 тонна асал, қарийб 82 минг дона тухум, 6500 минг банка консерва, 85 тонна дуккакли дон, 14 тонна гўшт ва бошқа маҳсулотлар Тошкент шаҳрининг 11 та тумани аҳолисига бозордагига нисбатан анча арзон баҳоларда сотилди, — дейди биз билан суҳбатда Мева, сабзавот ва бошқа экинлар селекцияси, уруғчилиги ва уларни жойлаштириш бошқармаси бошлиғи И. Қўйлибоев. — Бу борада, айниқса, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятлари миришкорлари бошқаларга ўрнак кўрсатдилар. Таъкидлаш жоизки, Андижон вилоятининг Марҳамат, Хўжаобод, Олтинкўл туманлари, «Андижонгўштсаноат», «Гулбулоқ» агрофирмаси ва қатор ташкилотлар томонидан Юнусобод тумани аҳолисига 315 тоннадан зиёд харидоргир маҳсулотлар етказиб берилди.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси тизимига кирувчи хўжаликлар ҳам пойтахтликларга 268 тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериб, харидорларнинг таҳсинига сазовор бўлдилар.

Биз «Миробод» деҳқон бозорида бўлганимизда, савдо авжига чиққан эди. Қўли-қўлига тегмаётган сотувчию, уларга миннатдорчилик билдираётган одамларни, жаннатмакон юртимиз, унинг олтин тупроғи, суви-заридан баҳра олиб товланаётган ноз-неъматларни кўриб, кўксимизда ғурур сездик.

**СУРАТЛАРДА: Тошкент ҳамда Андижон вилоятлари соҳибкорлари пойтахт аҳолисига савдо хизмати кўрсатмоқда.**

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

### Президент стипендиатлари

## Улар омадли ёшлар

Янги йил арафасида Фан ва технологиялар марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари танлови ғолибларига дипломлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Анъанага айланиб улгурган бу танлов аспирантлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки улар олий аттестация комиссиясининг имтиҳон ва синовларини муваффақиятли топширган ҳамда ўзининг илмий фаолиятида муайян ютуқларга эришган ёшлардир.

Тадбирни Фан ва технологиялар маркази директори, мазкур Танлов комиссияси раиси Пўлат Ҳабибуллаев олиб борди. Унда олий ва ўрта махсус таълими вазири С.Ғуломов, вазирликларнинг масъул ходимлари, олий ўқув юртлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар иштирок этдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев иштирок этди ва 2003 йилги Давлат стипендиатларига дипломларни тантанали равишда топширди.

**Оқил АБДУАЗИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Дил сўзларим



(Давоми. Боши 1-бетда).

Бизнинг юртимизга чиндан ҳам Оллоҳнинг назари тушган. Ўтган йили жаҳоннинг кўп мамлакатларида табиий кулфатлар содир бўлди. Қор бўронлари, сув тошқинлари, зилзилалар, ёнғинлар, турли-туман портлашлар, йўллардаги катта-катта фалокатлар ва ҳалокатлар... Худонинг иродаси билан бундай кулфатлар бизнинг юртимизни четлаб ўтди. Бу ҳам Оллоҳнинг халқимизга муҳаббатидан бир нишона.

Ўтган йилни сарҳисоб қилганда яна бир нарсани айтмай туролмайман. Америкалик мутахассислар ўтказган сўровга кўра, бизнинг Президентимиз Ислом Каримов дунёда биринчи ўринни олибди. Унга 95 фоиз одам овоз берибди. Владимир Путин иккинчи, Жорж Буш эса бешинчи ўринни олибди. Имкониятдан фойдаланиб, Юртбошимизни бу улуғ муваффақият билан табриклайман. Ва жуда катта ифтихоримни изҳор этаман. Сўнгги марта ўзбекдан чиққан давлат арбоби бундан беш аср аввал жаҳон миқёсида биринчи марраларни эгаллаган эди. Бугун шу муваффақият такрорланди. Бу фақат Ислом Каримовнинг муваффақияти эмас, бутун ўзбек халқининг муваффақиятидир. Чунки у халқимизнинг фарзанди, халқимизнинг вакили, ўзбекнинг тимсоли. Шунинг учун мен бугун бутун халқимизга бу буюк мартаба муборак бўлсин дейман.

Азиз дўстлар!

Юртимизнинг гўзаллиги беқиёс. Янги йилда яна қаҳрамонона меҳнатимиз билан бу юртимизни обод қилайлик. Яна бир марта ҳаммангизга соғлик-саломатлик, узоқ умр, оилангизга бахт-саодат, дастурхонингизга барокот тилайман.

**Озод ШАРАФИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

## Эртамиз нурафшон бўлади



Шоиримиз айтганидек, XXI аср Ўзбекистон асри бўлади. Бунга шубҳа йўқ. Негаки, мустақиллик йилларида юз берган ўзгаришларни бир ёдга олинг. Ҳар бир йилимиз юз йилларга татигулик-а! Заррада қуёш акс этганидек, бундай ўзгаришлар хўжалигимизда ҳам дарҳол кўзга ташланади. «Жейнов Йогурти», «Жейнов пишлоғи» ёрлиғи билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз харидорларга манзур бўлаяпти. Энди эса меваларни қайта ишлаб, чиройли идишларда уларнинг шарбатини қадоқлаган ҳолда савдога чиқариш йўлида изланаяпмиз.

Пахта етиштиришни йил сайин кўпайтиряпмиз. Ғалла ҳосилдорлиги ҳам ошмоқда. Энг асосийси, одамларимизда келажакка ишонч бор. Ўзбекистон асри, унинг муҳташам қасри ҳақида аниқ тасаввур бор. Шундай экан, эртамиз нурафшон бўлади. Ана шу йўлда мен ҳамюртларимга омад ёр бўлишини тилаб қоламан.

**Муродулло САИДОВ,**
**Қашқадарё вилояти, Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

## Африкада Қорбобо борми?

Йирик савдо марказида ҳаяжондан кўзлари порлаб турган жажжи болалар қуршовида Қорбобо совға улашмоқда. У ҳамма Қорбоболарга ўхшаш оппоқ соқолли. Қизил рангли пальто, иссиқ бош кийим ва этик кийган. Бироқ унинг қора юзидан реза-реза тер оқмоқда. Ҳа, уни тушунса бўлади. Чунки кўчада 30 даража иссиқ, одамлар об-ҳавога мос енгил кийиниб олишган. Қорбобо эса... Ҳамма жойда бир хил-да, ҳатто Африка қитъасида ҳам.

Янги йил бу қитъада ҳам бошқа жойлардагига ўхшаш ўтади. Бу ерда Баобаб дарахти атрофида қўл ушлашиб айланиш ёки байрам столида тимсоҳ гўштидан тайёрланган экзотик таомларни учратмайсиз. Лекин Африканинг бошқалардан ажралиб турадиган жиҳатлари бор. Масалан, Жанубий Африка Республикаси, Зимбабве, Намибия давлатларида янги йил ёз фаслининг энг қизғин палласига кириб келаётганида кутиб олинади. Экваторнинг у томонида фасллар "тескари" жойлашган. Декабрь, январь ва февраль ойлари энг иссиқ ойлар ҳисобланади. Лекин шуни айтиш керакки, қитъада қиш фасли (июнь-август)да ҳам барибир қор ёғмайди. Чунки бу Африка! Айтгандек, арчалар ҳам йўқ. Савдода фақат сунъий арчаларни учратиш мумкин. Агар африкалик уйига тирик дарахтни олиб келиб ўрнатиш хоҳиши бўлса, у ҳудудда ўсадиган доим кўм-кўк турадиган туй дарахтини олиб келиши мумкин.

Африкаликлар байрамни қабиласи ва барча қавму қариндошлари билан бирга йиғилишиб, катта даврада нишонлашади. Дастурхон эса барча жойлардаги сингари "чўнтак кўтариши"га боғлиқ. Кўпинча дўконларда қиммат турадиган курка гўшти ўрнига товуқ гўштидан тайёрланган таом ўрин олади. Байрам столида шампань виносини ҳам камдан-кам учратиш мумкин. Шунинг учун улар кўлбола пивони афзал кўришади. Улар байрамни қувонч ва шовқин-сурон билан нишонлашади.

Қитъанинг байрамолди яна бир ўзига хос жиҳати мавжуд. Африканинг жанубида жойлашган давлатларда жуда кўпчилик қишлоқдан шаҳарга келиб ишлашади. Йил охирида эса улар яқинлари билан байрамни кутиб олиш учун тўлиб-тошиб уйга йўл олалилар. Шу пайтда кўплаб корхоналар ишини тўхтатади. Байрамолди йўловчи транспорт ва поездлар ўта тиқилинч бўлади. Уларнинг етишмаслиги сабабли нарсалар транспорт томига жойлаштирилади. Шунга қарамай ўн минглаб африкаликларнинг кайфияти кўтаринки. Чунки уларни уйдагилар орзиқиб кутишмоқда.

Африка қитъасидаги кўп давлатларда одамлар қашшоқликда кун кечиришади. Шунинг учун бўлса керак байрам арафасида фуқароларнинг кайфиятини кўтариш, уларга оз бўлса ҳам ёрдам бериш мақсадида бепул совғалар тарқатилади. Йирик савдо марказларида болакайларга совға улашиш удумга айланган. Жажжи қўлчаларда совғани маҳкам ушлаган африкалик болакайлар қувончдан кўзлари порлаб қора танли Қорбобога тикилишади. Ҳа, болакайлар учун у ҳақиқий Қорбобо.

Африкада Қорбобо яна қанақа бўлиши мумкин?!

**Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.**

# ҲАМИША ОМОН БЎЛСИН!

Остонадаги ўйлар

## Унинг сувайдоси

Сувайдо... Бу сўзнинг маъносини англаш баҳонасида бир неча луғатлар, китоблар титкиладим. Фақат бир оғиз — сувайдо — қора нуқта (гўё бу нуқта юрак ўртасида бўлар эмиш) деган таърифни кўрдим. Сувайдо — уни мен юрак ўртасидаги кўз қорачиғига ўхшаш куюк нуқтага қиёслагим келди. Демак, бу юрак кўзи.

Ҳар бир инсоннинг феълатвори, комиллиги унинг ана шу юрак кўзи орқали ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни кузатиб, ундан жўяли хулоса қила олиши билан белгиланса керак. Табиий, кўнгли пок, дили тоза, яхши ниятли, кенг феълли инсонлар ҳамиша юртининг келажаги деб, унинг "ишқида" яшайди. Эли, юрти учун ёниб-куяди. Қилаётган ҳар бир юмуши нафли, ўй-фикри яхшилик бўлади. Бундай инсонларнинг сувайдоси — юрак кўзи атрофга меҳр-ла боқади. Унинг оҳанграбоси хушюқумли, самимий бўлади...

Бу йил мен ҳаётимизга катта ўзгариш олиб кирган икки учрашувнинг гувоҳи бўлдим. Тўғри, телевидение орқали кўрдим, матбуот орқали танишдим. Бироқ, яширмайман. Ўзимни ўшанда олис Америкада, Японияда юргандек ҳис этгандим.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга қилган давлат ташрифи бугун тарихга айланди. Баҳорнинг ўша ҳаяжонли илк кунлари ёдингиздами? Юртбошимиз сафарга отланар экан, ташриф асносида имзоланиши кутилган ҳужжатлар орасида энг асосийси, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланадиган янги ҳужжатга алоҳида тўхталганди. У барча соҳалардаги алоқаларимизни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишга кенг йўл очади, деб ишонч билдирди. Интиқ кутилган икки мамлакат раҳбарларининг илк учрашувларини, уларнинг самимий қўл олишиб кўришишларини телевизор орқали кўрган ҳар бир юртдошимнинг кўнглидан ўшанда бундан-да нурафшон кунлар яқинлигига ишонч ҳистуйғуси уйғонгани, шубҳасиз. Тўрт кунлик ташриф чоғида Президент Жорж Бушнинг Ўзбекистон раҳбарига кўрсатган алоҳида ҳурматини назаримда, барча ўзбекистонликлар ўзларига билдирилган эътибор деб билдилар. Ахир Юртбошимизни Америкадек буюк давлат раҳбарининг мамлакатига чорлаганининг ўзида ҳам яхшилик ҳақида ўйлашга асос бор эди. Айниқса, Президент Бушнинг "Ҳамма билиб қўйсин, биз Ўзбекистон билан энди стратегик шерикмиз", деган сўзлари шунчаки гап эмас, балки шартномавий ҳужжатлар билан муҳрланган муносабатларнинг ифодаси эди. Сафардан қайтаётиб, Юртбошимиз самолётдаёқ таассуротлари билан ўртоқлашаркан, ўз мамлакати Президентига ҳам бош эгмайдиган, аксинча, норозилигини тикка айта оладиган олтмишга яқин сенаторларнинг давлатимиз раҳбарига тик туриб, узоқ қарсак чалишганини ҳикоя қилиб берганида, Генри Киссенжердек ўзи тирик тарих бўлган улкан давлат арбобининг Президентимизга "Жаҳон миқёсидаги улуғ давлат арбоби" нишонини топширган дақиқаларни кўрганда, менимча, ҳар бир ўзбекистонликнинг юраги ғурур ва фахрга лиммо-лим тўлди. Буни ифодалаш мушкул. Буни ҳис эта олиш керак. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов лутфи-ла қайд этганда, "АҚШ ва Ўзбекистон дўстлик, ҳамкорлик боғига ниҳоллар экдилар. Ният қилайлик, бу ниҳолларнинг мевасини кўриш барчамизга насиб этсин".

Ёз ойининг ўрталарида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Япония ҳукуматининг таклифига биноан расмий ташриф билан Кунчиқар мамлакатда бўлди. Ғарбда қудратли давлатлар билан стратегик ҳамкорлик риштасини ўрнатган Ўзбекистон энди Шарқдаги яна бир салоҳиятли давлат билан ишончли муносабат, шерикликни расмийлаштирди. Бу айрим ўзгаришлардан қатъи назар узоқ муддатли, қалин, ўзаро ишончга йўғрилган муносабат дегани эди. "Каримов Токиога кўприк қурмоқда", деган материал тарқатди ўша кунлари "Би-би-си". Унда икки томонлама ҳамкорлик жараёнларига кенг назар ташланганди. Чунки давлат раҳбаримиз Ўзбекистон Япония учун Марказий Осиёга кўприк вазифасини ўташини алоҳида таъкидлаганди. Тўғри, бу икки давлатни узоқ масофа ажратиб турса-да, аммо улар ўртасида муштаракликлар ҳам йўқ эмас. Бу Шарқ кишиларига хос бўлган ўзаро самимийлик, кексаларга ҳурмат, бағрикенглик каби инсоний фазилатларнинг бир-бирига яқинлигида кўринади. Ташриф давомида япон ҳукумати томонидан бундай бағрикенглик, оқилоналик, меҳмоннавозлик яққол сезилиб турди. Император Акихитонинг Юртбошимизга ғоят илиқ муносабат билдириб, шахсан ўзи кутиб олиб, иккинчи марта саройда меҳмон бўлишига имкон яратиши (одатда таомилга кўра, Император ҳеч маҳал бир давлат раҳбарини у неча марта Японияга ташриф буюрса-да, икки марта қабул қилмас экан) бу аввало унинг юртимизга хайрихоҳлигидан, қолаверса, давлатимиз раҳбарига кўрсатган юксак эҳтиромидан эди. Бундай учрашувларнинг самаралари бугун ҳаётимизнинг турли жабҳаларида сезилмоқда. Айниқса, япон ҳукуматининг айни кунларда республикамизда таълим, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда кўрсатаётган бағараз кўмаги фикримиз тасдиғидир.

Ҳар иккала буюк давлат билан имзоланган стратегик ҳамкорлик, шериклик ҳақидаги ҳужжатлар, аввало, тинчлигимиз посбони, қолаверса, бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир исботи, дейиш мумкин.

Сиёсий ҳаётимизнинг яна бир муҳим тарихий воқеаси бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннаннинг расмий ташриф билан юртимизга келиши бўлди. Бу жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот раҳбарининг мамлакатимизга ва умуман Марказий Осиё давлатларига илк бор қадам ранжида қилиши эди. Ташриф дунёдаги қудратли давлатларгина эмас, балки БМТдай нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам Ўзбекистон Республикасига бефарқ эмаслигини исботлади. Зеро, Кофи Аннаннинг ўзи Республикамиз Президенти билан мулоқотдан сўнг тўла қониқиш ила Ўзбекистон — БМТ муносабатлари шиддат билан ривожланаётганидан мамнун эканини изҳор этиб, келгусида бу алоқалар янада ривожланишига умид билдирди. Юртимиз равнақи йўлидаги экилган яна бир эзгулик уруғи мева бериши шубҳасиз...

Бу йил мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинганига беш йил бўлди. Миллий дастур Ўзбекистонда тамомила янги таълим моделини белгилаб берди. Унга кўра, мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг босқичма-босқич ва узлуксиз тизими вужудга келди. Ўтган давр мобайнида миллий дастурда белгиланган дастурий вазифаларнинг илк босқичини амалга ошириш бўйича катта ишлар қилинди. Эндиликда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимида мутахассис кадрлар тайёрлашнинг юксак сифатини таъминлаш — янги босқичнинг асоси ҳисобланади. Умуман олганда, миллатнинг иқтидорли фарзандларига алоҳида эътибор бериш, уларнинг булоқ сингари кўз очиши учун шароит яратиш мазкур таълим тизимининг асосий вазифаларидан бирига айланди. Таълимнинг ўзбек модели, бизнинг таълим тажрибаларимиз дунё миқёсида ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани бежиз эмас. Буни Президент И.Каримовнинг Японияга ташрифи чоғида Васеда университети ректори Окушима Такаясу Юртбошимизга олий ўқув юртининг фахрий доктори унвонини бериш чоғида алоҳида таъкидлагани ҳали ёдимизда. Албатта бундай эътирофлар дилни яйратади, ғурурга буркайди.

Бу йил мен миллатимиз фахри, фозил инсон, аллома геолог-олим, олижаноб мураббий Ҳабиб Абдуллаев таваллудининг 90 йиллиги тантаналарида қатнашдим. Оиланинг якка-ю ёлғиз қизи Раъно опа Ёқубова билан ҳамсуҳбат бўлдим. Суҳбат асносида яна бир карра Ҳабиб Абдуллаевнинг оддий, камтарин, халқпарвар, айниқса, ўз даврида Фанлар академиясининг раҳбари сифатида турли соҳада миллий кадрларнинг ўсиб-унишига алоҳида жонбозлик ва ҳатто фидойилик қилганининг гувоҳи бўлдим. Раъно опанинг гапиришлари, хатти-ҳаракатлари, оталари вафотидан буён 42 йил ўтган бўлса-да, ҳар бир воқеани ҳаяжон, изтироб билан эслаб, армонли кўз ёши тўкишларигача оналари, раҳматли Фотима аяни эслатди. Раъно опа отасининг ўлими олдидан гапирган сўнгги сўзларини кўзда ёш билан хотирлайди. "Болаларим иноқ ва бир-бирларингизга оқибатли бўлинглар... Ҳамиша бошингизни баланд кўтариб юраверинглар, чунки мен умр бўйи ҳалол яшадим. Бутун ҳаётимни халқимга ва илм-фанга бағишладим. Сизлар ҳам ҳаётингиз, ишларингизни халққа бахшида этингиз, халқимизнинг муносиб фарзандлари бўлингиз.-..Умримдан розиман. Қолган ишларимни шогирдларим, фарзандларим юзага чиқаришига ишонаман". Сўнгги дақиқаларда абадият қонунига шукроналик билан қараб, ўзини дадил тутиши ҳам Ҳабиб Абдуллаев улуғлигининг яна бир исботи эди. Зеро, бу кун унинг тилаклари қобил шогирдлари, фарзандлари туфайли ижобат бўляпти. Республикамизда академик Ҳабиб Абдуллаев номидаги халқаро жамғарма таъсис этилган. Қолаверса, мустақиллик туфайли қадр топган алломага бу йил "Буюк хизматлари учун" ордени муносиб кўрилди. Бу унинг сувайдоси — юрак кўзи нечоғли тиниқ, нурафшон ва айни пайтда узоқни кўра олгани ифодаси эди...

Янги йил остонасида турибмиз. Яхши ниятлар қилайлик. Бу дунёда, аввало, ҳар кимнинг ҳам юрак кўзи гўзал, ёғаётган оппоқ қор сингари бегард бўлсин. Ҳаётимизда яхшилар, яхшиликлар кўпаяверсин. Янги йилни ёруғ юз билан юзлашиб кутиб олган юртдошларимизнинг энг эзгу тилаклари ижобат бўлаверсин.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





## «Президент арчаси» — Истиқлол туморчаси

*Болалар учун, айниқса, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланаётган кичкинтойлар учун ниҳоятда севимли бўлиб қолган «Президент арчаси» шодиёналари бу йил ўнинчи марта ўтказилмоқда. Арча байрами қатнашчиларига ёд бўлиб кетган мана бу қўшиқ давраларда такроран янграмоқда:*

***«Президент арчаси» —***
***Истиқлол туморчаси.***
***Қувончлари қайнаган***
***Юрагимиз парчаси.***

*Шу муносабат билан мухбиримиз мазкур тадбирнинг сценарийси муаллифи, шоир Анвар ОБИДЖОН билан суҳбатлашди.*

**— Анвар ака, «Президент арчаси»нинг 10 йиллиги ҳам ўзига хос бир воқеа. Тайёргарлик ҳам шунга яраша бўлгандир?**

— Ҳа, албатта. Аввало, ўтган тўққиз йил давомида «Томоша» болалар гуруҳи бу тадбирнинг тантанавор ва мазмундор бўлишига катта ҳисса қўшиб келганини эътироф этиб ўтишимиз жоиз. Бу йилги шодиёнага эса, айтганингиздек, алоҳида ҳозирлик кўрилди. Тадбир уч босқичда ўтказилмоқда. Олдинига болалар Ўзбекистон давлат консерваториясининг салобатли фойесида Қорбобо ва Қорқиздан ташқари Зумрад, Қиммат, Билмасвой каби суюкли адабий қаҳрамонлари иштирокидаги арча байрамини кўриб, ундаги воқеаларда ўзлари ҳам бевосита қатнашадилар. Сўнгра залга кириб, давлат буюрмаси асосида айнан шу байрамга атаб тайёрланган спектаклни томоша қиладилар. Охирида болакайларга безакдор идишларга солинган ва турли ширинликларга бой бўлган Президент совғалари улашилади.

**— Болаларга қайси спектакль тақдим этилмоқда?**

— «Саид афсонаси». Бу спектакль «Митти Мук», «Ҳалифа лайлак» сингари ажойиб эртакларнинг муаллифи бўлган В. Гауф асари асосида яратилди. Уни республика Ёшлар театри режиссёри Наби Абдураҳмонов билан биргаликда миллий руҳимизга мослаб тайёрладик. «Саид афсонаси» спектакли қўшиқларга жуда бой, ёш бастакор Жаҳонгир Шукуров гўзал мусиқалар ёзиб берди.

**— Спектаклнинг асосий мазмуни хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— В. Гауф ўз эртагида инсон илоҳий мўъжизаларга, яхшиликнинг ғалабасига ишониб яшаши зарурлигини таъкидлаган. Биз адабий маслаҳатчи Шуҳрат Ризаев билан фикрлашиб, яхшиликнинг ғалаба қозониши учун инсон ўзи ҳам мардона курашмоғи лозимлиги, ўз юртига муҳаббат туйғуси барча муваффақиятларнинг калити эканлиги ғояларини ёрқинроқ кўрсатишга ҳаракат қилдик. «Президент арчаси» шарофати билан туғилган бу спектакль байрамдан кейин ҳам театр репертуаридан жой топса, ажабмас.

**— «Президент арчаси»нинг ўзига хос томонлари асосан нималарда деб ўйлайсиз?**

— Юртимизда байрамлар, кўнгилочар тадбирлар кўп. Уларнинг бири муқаддаслиги, бошқаси халқоналиги ёки тарихий анъаналарга бойлиги билан қадрлидир. «Президент арчаси» эса ўта савоббахшлиги билан ажралиб туради. Президент совғалари дастлабки йилларда фақат «Меҳрибонлик уйлари»даги болаларга ҳадя этилган бўлса, ҳозирга келиб, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бу ишнинг кўламини янада кенгайтирди. Энди совғалар маҳаллаларда яшовчи ота-онасиз болаларга ҳамда юртимиз осойишталиги йўлида ҳалок бўлган посбонларимизнинг фарзандларига ҳам тарқатилади.

Кўриниб турибдики, бу тадбирнинг ортида минг-минглаб болажонларнинг улкан қувончи ётибди. Дунёда болаларга қувонч улашишдан ҳузурбахш иш бўлмаса керак. Агар шу хайрли ишга озгина ҳисса қўша олган бўлсак, бундан ниҳоятда бахтиёрмиз. Ўз фарзандларидан меҳр-муҳаббатни дариғ тутмайдиган юрт доимо Яратганнинг паноҳида бўлсин, ҳамиша гуллаб-яшнайверсин!

**«Халқ сўзи» мухбири**
**И. ЎТБОСАРОВ**
**суҳбатлашди.**



**СУРАТЛАРДА:** ***Президент арчасидан лавҳалар.***
**Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

## Рустамнинг байрам туҳфаси

2002 йилда мамлакатимиз шахматчилари кўплаб нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллади. Эришилган бу ғалабаларга ёш гроссмейстер Рустам Қосимжонов ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Куни кеча ҳамюртимиз яна бир турнирда муваффақият қозонди.

Рустамнинг акаси Хуршид Қосимжоновнинг ЎзА мухбирига маълум қилишича, охирги олти ой давомида мусобақаларда муваффақиятли қатнашган тўрт нафар шахмат устаси Испаниянинг Памплона шаҳрига таклиф этилган. "Памплона-2002" турнирида ҳамюртимиз Р.Қосимжоновдан ташқари, Молдовадан Игор Бологан, Македониядан Иван Соколов ҳамда мезбонлардан Поно Валехо дона сурган.

Ўзаро беллашувларда рақибларини ортда қолдирган Р.Қосимжонов ва И.Бологан ғолиблик учун икки учрашув ўтказди. Ҳар икки баҳсда ўзбек шахматчисининг қўли устун келди ва турнир ғолиби бўлди.

Умуман олганда, якунланган йил иқтидорли шахматчимиз учун муваффақиятли келди. Айниқса, Рустамнинг октябрь ойида Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида бўлган жаҳон кубоги мусобақасида иккинчи ўринни эгаллаши ёш шахматчимизнинг келажаги порлоқ эканлигидан далолатдир.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## Танловга марҳамат!

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Телерадиокомпания замонамиз қаҳрамонлари ҳақидаги энг яхши насрий асар (роман, қисса) ва телесериал учун танлов эълон қилади.*

Танловга адабий-бадиий журналларда ва ё алоҳида китоб ҳолида чоп этилган насрий асарлар (роман ва қиссалар), телесериаллар сценарийси 2003 йилнинг 1 июлига қадар Ёзувчилар уюшмасида қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Мустақилликнинг 12 йиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Ғолибларга қуйидаги пул мукофотлари белгиланган:

Энг яхши насрий асар (роман, қисса) учун — 200 минг сўм;

Энг яхши телесериал сценарийси учун — 200 минг сўм.

**Ташкилий қўмита.**

## Эзгу ният айёми

*Янги йил арафасида жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» Маркази аҳоли орасида фуқароларимиз янги йилни қандай кайфиятда кутиб олаётганликлари ҳақида иккита савол билан тезкор-сўров ўтказди.*

**1. Янги 2003 йил арафасида Сизга кўпроқ қандай кайфият хос?**
(сўралганларнинг сонидан фоиз ҳисобида, 2550 киши сўралди)

**42,9 фоизи — кайфиятимиз жуда яхши, юқори даражада**
шу жумладан: шаҳар аҳолиси — 37,9 %
қишлоқ аҳолиси — 47,8 %
эркаклар — 44,6 %
аёллар — 40,8 %
ёшлар (18-30 ёш) — 54,5 %

**47,7 фоизи — кайфиятимиз яхши**
шу жумладан: шаҳар аҳолиси — 49,3 %
қишлоқ аҳолиси — 46,8 %
эркаклар — 49,1 %
аёллар — 46,6 %
ёшлар (8-30 ёш) — 49,4 %

**2. Янги йилда шахсан ўзингиз ва оилангиз учун нималар кутмоқдасиз?**
хизмат бўйича юқори поғоналарга кўтарилиш — 32,4 %
оиланинг моддий аҳволини яхшилаш — 29,2 %
соғлиқни тиклаш — 21,0 %
билим олиш — 8,7 %
саёҳатга чиқиш — 8,7 %

## Ватан маҳалладан бошланади

**Муяссар ТЕМИРОВА,**
**зардўз, Ўзбекистон Қаҳрамони**

2003 йилнинг Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши ғоятда донолик билан ўйланган, мантиқан жуда яхши иш бўлди. Чунки Юртбошимиз томонидан 2002 йилда «Уйимизнинг париси» дея таърифланган, эъзозланган қарияларимиз биринчи навбатда маҳаллаларимизнинг файзи-кўрки ва маслаҳатгўйидир. Ўзбекистонда бирон маҳалла топилмаса керак, тўй, маърака ёки бошқа бир тадбир ўтказмоқчи бўлса, аввал, шу ерда истиқомат қиладиган нуроний отахонларнинг олдидан ўтмаса, яъни уларнинг фикрларини, йўл-йўриқларини ҳисобга олмаса. Истиқлол йилларида янада чирой оча бошлаган ўзбек маҳаллаларини, тўйларнинг тўрини пиру бадавлат отахонларимизсиз ёки фариштасифат онахонларимизсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қолаверса, Президентимиз, ҳукуматимизнинг ғамхўрликларидан чексиз миннатдор бўлиб, бошлари осмонга етган нуронийларимиз ўзларининг шукроналик гурунгларини, йиғинларини, энг аввало, табаррук гўшалари — маҳаллаларда ўтказаётганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Қувонарли томони шундаки, кўпроқ бизнинг миллатга, юртга хос бўлган қарияларни эъзозлаш деб аталадиган ажойиб фазилат — мумтоз миллий инсоний қадрият ўзига ҳамоҳанг иккинчи қадриятга уланиб кетяпти. Унинг мазмунини, маҳалласеварлик, маҳаллапарварлик каби буюк инсоний хислатлар белгилайди. Бундай қутлуғ фазилатлар эса бизнинг юртдошларимизда кучлидир. Негаки, улар «Ватан маҳалладан бошланади» деган ғоятда пурмаъно ҳикматни яхши биладилар ва унга ҳамиша амал қиладилар.

Шу боис мен халқ амалий санъатининг оддий бир вакили, ижодкори, қолаверса, аёл сифатида, республикамизда «Обод маҳалла йили» дастури ҳар томонлама пухта, мукаммал ишлаб чиқилишига ва бекаму кўст амалга оширилишига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимни Янги — 2003 йил билан муборакбод этаман.

**Бухоро шаҳри.**

## ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

### Иқтисодиёт

Наманган шаҳрида «Нестле» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Лойиҳа қиймати 37 миллион долларлик мазкур корхона Ўрта Осиёда ягона бўлиб, уни қуриш учун 23,5 миллион доллар сармоя ўзлаштирилган ҳолда унинг биринчи навбати ишга туширилди. Ҳозирги кунда бу ерда Швейцария, Италия, Франциядан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида, 350 нафар ишчи кучи билан маҳаллий хомашёлардан табиий тоза сут ва сут маҳсулотлари, болалар таомлари, музқаймоқ ва «Магги» лапшалари ишлаб чиқарилмоқда.

* * *

Шаҳрисабзда 2002 йил 10 апрель куни «Оқсарой тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон-Туркия-Япония қўшма корхонаси очилди. Қиймати 66, 766 миллион АҚШ долларига тенг бу лойиҳа 18 ойда ишга туширилди. Корхона йилига 6110 тонна пахта толаси қайта ишланиб, 4800 тонна йигирилган ип, 2000 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотнинг ҳаммаси экспортга чиқарилади. Экспортнинг йиллик ҳажми эса 20,9 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

«Оқсарой тўқимачи ЛТД»нинг барпо этилиши туфайли 640 киши иш билан таъминланди.

* * *

«Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус» янги темир йўл йўналиши бўйича биринчи йўловчи поезди қатнай бошлади.

Лойиҳа қиймати 38,9 миллиард сўмни ташкил этадиган ушбу қурилишнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда ягона темир йўл тизимини барпо этиш, минтақадаги фойдали қазилма конларини комплекс ўзлаштириш, катта миқдордаги валюта маблағларини ишлаб топиш ва тежаш, шаҳар ва қишлоқларда йирик саноат корхоналарини бунёд этиш имконини берди.

* * *

2002 йилда республикамизнинг қишлоқ хўжалиги корхоналарида 4 миллион 714 минг тонна бошоқли дон етиштирилди. Режа 109,6 фоиз бажарилди. Андижон вилоятида ҳосилдорлик гектар ҳисобига 75,1 центнерни ташкил этган бўлса, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида бу кўрсаткич 45-49 центнерга етди.

### Фан

Илмий тафаккур, ихтирочилик ва яратувчиликнинг йирик марказига айланган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида 204 мавзуни ўз ичига олган 10 та илмий дастур бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб бориляпти.

* * *

Фанлар академиясининг олимлари томонидан Ядро физикаси институти қошидаги «Радиопрепарат» кичик корхонаси ҳамда Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида С ва В гепатит ташҳиси учун юқори сифатли радиоиммунологик препарат ишлаб чиқилиб, синовдан ўтказилди.

* * *

Пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой ва енгил саноат тармоқларидаги пировард маҳсулотнинг энергия сиғими модели ишлаб чиқилиб, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятида татбиқ этилганда, йилига 43 миллион сўм «Ўзпахтасаноатсотиш» корхоналарида эса 60 миллион сўм иқтисодий фойда олишга эришилди.

* * *

Бугунги кунда мамлакатимиз далаларида етиштирилаётган 27 хилдаги пахта навининг 14 таси Фанлар академияси олимларининг тинимсиз олиб борган илмий изланишлари маҳсулидир.

### Таълим

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг йўлчи юлдузи дейиш мумкин. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари миллий дастурда белгиланган янги таълим концепциясида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда республикамизда замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган 216 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 44 та академик лицей ва 291 та касб-ҳунар коллежлари барпо этилди.

Эндиликда миллий дастурнинг иккинчи — сифат босқичини амалга оширишга киришилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимида мутахассис кадрлар тайёрлашнинг юксак сифатини таъминлаш — янги босқичнинг бош вазифаси ҳисобланади.

* * *

Бу йил республикамизда биринчи марта 10 йўналиш бўйича магистрант-талабаларга Президент Давлат стипендиати ғолиблик дипломлари топширилди.

* * *

«Умид» жамғармаси йўлланмаси билан ўтган давр мобайнида 785 нафар йигит-қиз ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртларига ўқиш учун юборилди. Улардан 519 нафари ўқишини битириб, республикамизнинг қатор вазирликларида, идораларида, ташкилот ва корхоналарида ишламоқдалар. «Умид» жамғармасининг 2002-2003 ўқув йили танлов синовларида 470 нафар даъвогарлардан 43 нафари ўтиб, чет эл олий ўқув юртларида магистратура дастури бўйича таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

### Спорт

Тошкентда 9-бор теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнири ўтказилди.

2002 йилда ўтказилган Осиё ўйинлари чемпионатида теннисчиларимиз муваффақиятли иштирок этдилар.

Машҳур теннисчимиз Ирода Тўлаганова якка тартибда ўйинларда чемпионликни қўлга киритган бўлса, микс мусобақаларида бронза медали совриндори бўлди. О.Огородов, В.Куценко, Д.Тамошевич ҳам умумкоманда ҳисобида бронза медалини қўлга киритдилар.

* * *

Сўнгги маълумотларга қараганда, ўзбек кураши Осиё ўйинлари дастурига киритилиши мўлжалланаётир. Осиё ўйинларида кўргазмали чиқишлар қилган курашчиларимизнинг ҳаракатларига Осиё Олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ас-Сабоҳ катта баҳо берди. Энди Қатарда ўтадиган XVI Осиё ўйинларида курашчиларимиз кўргазмали чиқишларда расмий иштирок этадилар.

* * *

Фарғонада республикамиз мактаб ўқувчиларининг оммавий байрами «Умид ниҳоллари» ўйинлари ўтказилди.

* * *

Бухорода мамлакатимиз талаба ёшларининг «Универсиада-2002» спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Унда Тошкент Аграр университети талабаси сувда сузувчи қиз Саида Искандарова «Тико» автомашинаси соҳиби бўлди.

# АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

## «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
### АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

МТУ

## Сизларни Янги йил билан муборакбод этади!







2002 йил ўзбек халқи учун янги зафарлар йили бўлди. Дунё ҳамжамиятида ўз мустақил овозига эга бўлган Ўзбекистонимизнинг халқаро нуфузи, обрў-эътибори янада ошди.
*Янги йил ҳаммангизнинг оилангизга хуш кайфият, тинчлик-тотувлик, хонадонингизга файзу барака олиб кирсин!*
Юртимизни, жўшқин дилларимизни мунаввар этаётган Истиқлол қуёши мангу порлайверсин!

*Тинчлик ва осойишталикни ўзига шиор қилиб олган халқимиз доим омон бўлсин!*
*Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқат янада жўш ураверсин!*
Маънавият зиёсини ташишдек шарафли вазифани зиммасига олган матбуот тарқатувчилар сизларнинг хизматингизга доимо тайёр.

## Ҳаммангизга тан-сиҳатлик, бахт-саодат тилаймиз!

2098/2433


Янги йил билан!
2003
Ўзингиз ва яқинларингизга
бебаҳо совға қилинг!
UZDUNROBITA
first cellular
Кечаю кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09
"Ўздунробита" ҚК телефонларидан - 611.
Тошкентдаги сервис маркази манзили: Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй ("Лабзак").
www.uzdunrobita.uz
УзАСИ АА №0000104


Республикамизнинг энг йирик ва универсал банкларидан бири акциядорлик тижорат
«Пахта банк»
ўз акциядорлари ва мижозларини, бутун Ўзбекистон халқини янги юз йилликнинг учинчи йили
2003 йил билан
чин қалбдан табриклайди!
Янги йил барчангизнинг хонадонингизга шоду хуррамлик, қут-барака олиб кирсин!
«Пахта банк» — фаровонлигингиз калитидир!


Давлат акциядорлик тижорат
«Асака» банки
жамоаси
ўз акциядорлари, мижозлари ва Ўзбекистоннинг барча аҳолисини
Янги — 2003 йил билан
қизғин табриклайди!
ASAKA BANK
Сизларга, қадрдонларингиз ва яқинларингизга соғлиқ, тинчлик-тотувлик, шоду хуррамлик, олийжаноб ишларингизда омадлар тилайди.
Янги йил ҳар бирингиз учун барча ниятлар амалга ошадиган, оилаларингиз моддий ва маънавий мустаҳкамланадиган, орзуларингиз ушаладиган йил бўлишлигини тилайди.
Дунёдаги энг нуфузли мингта банк таркибига кирувчи «Асака» банки сизларни манфаатли ҳамкорликка чорлайди.

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

«ҒАЛЛАБАНК»

жамоаси ўз мижозлари, акциядорлари ва бутун мамлакатимиз аҳолисини

Янги – 2003 йил билан

муборакбод этади.

Барчага соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт-саодат, ишларида ривож, дастурхонига файз тилайди. Янги йилда янги зафарлар ва ютуқлар Сизларга доимо ҳамроҳ бўлсин, азиз юртдошлар.

*Байрам муносабати билан банк ўзининг саккизинчи эмиссия оддий акцияларининг номинал қиймати бўйича сотилишини маълум қилади. Ушбу байрам олдидан сотилган акцияларга 2002 йил якуни бўйича дивидендлар тўлиқ бир йил ҳисобига тўланади. Яъни декабрь ойининг охирида банк акцияларини харид қилган акциядорларга 2003 йил тўлиқ бир йил мобайнида дивидендлар тўлаб борилади. Акцияларни сотиб олиш истаги бор сармоядорлар банкнинг мамлакатимиздаги барча филиалларига мурожаат қилишлари мумкин. Шошилинч сотувдаги акциялар миқдори чегараланмаган.*

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

6686/2602

ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ БАНКИ

ўз мижозлари ва Ўзбекистон халқини

Янги – 2003 йил

билан қизғин қутлайди!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, ҳар бир хонадонга тинчлик, файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон-Туркия банки бошқаруви ва кенгаши.

Манзилимиз: 700043, Тошкент шаҳри, «Халқлар дўстлиги» кўчаси, 15/Б.
Телефонлар: (+998 71) 173-83-25, 173-83-24.
Факс: (+998 71) 120-63-62, 173-90-51.

BUSINESS BANK «БИЗНЕС БАНК»

республикамиз халқини

Янги – 2003 йил билан

чин қалбдан муборакбод этади.

Янги йил ҳаммангизнинг оилангизга хуш кайфият, тинчлик-тотувлик, хонадонингизга файзу барака олиб кирсин!

BUSINESS BANK

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК

темир йўллари ходимларини,
транспортчиларни,
мамлакатимиз барча фуқароларини

Янги — 2003 йил билан

табриклайди!

Сизларга янги йилда тинчлик, хотиржамлик, хонадонингизга файзу барака, юртимиз равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатингизда улкан муваффақиятлар тилайди!




6687/2617

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон халқини
Янги — 2003 йил билан
қизғин муборакбод этади.

Барча оилаларга янги йилда бахт-саодат, саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, файз-барака ва омад ёр бўлишини тилайди.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

«ЭЛТЕКС» очиқ турдаги акциядорлик жамияти,
«ЮНИВЕР» Ўзбекистон-Австрия-Бангладеш қўшма корхонаси,
«МЕДИКАЛ КОТТОН ИНТЕРНЕЙШНЛ ЛТД»
Ўзбекистон-Лихтенштейн қўшма корхонаси

Ўзбекистон халқини, ўз ҳамкорларини барча эллиққалъаликлар номидан Янги — 2003 йил билан қизғин табриклайди ва харидорларга юқори сифатли жинси матодан тикилган бежирим кийим-кечак ҳамда юксак андозаларга жавоб берадиган тиббиёт момиғини таклиф этади.

Янги йил барчангизга бахт келтирсин!

6651/2361

ZEPPELIN CAT

«Zeppelin Baumaschinen GmbH»
компанияси

Ўзбекистон халқини чин дилдан
Янги — 2003 йил билан табриклайди!

Сизларга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва орзу-умидларингиз рўёбга чиқишига тилакдошмиз.





# Тоғ бошига қор тушибди, қор

*Деразанинг пардасин суриб,*
*Тонгда боқдим уфққа бекор...*
*Мен билмабман бепарво юриб,*
*Тоғ бошига қор тушибди, қор.*

*Деразадан тоғларга қадар,*
*Узунлиги ҳаётимча йўл.*
*Бир даранинг устида каптар*
*Чарх уради — қанотлари ҳўл.*

*Ярақлайди қишли, қуёшли,*
*Нур ва қорга беланган олам —*
*Унда мени жим соғинади*
*Кўз ёшлари тугаган онам.*

*Деразадан бери — тўрт девор,*
*Тўртови ҳам доно, файласуф:*
*«Курашавер! Фақат олға бор!..»*
*Улар менга таълим берар... Уф!*

*«Тўғри» дейман... Аммо бир ларза*
*Қалбда портлар — кўздан оқар ёш...*
*Юрагимда соғинч ҳар лаҳза —*
*Улканлашиб боргучи қуёш.*

*... Хайр, тоғлар! Иш вақти етди,*
*Иш!.. Бормасам тўхтайди замон.*
*Бағрингизда кўримсиз, митти*
*Тепа бўлиб қоламан қачон?*

**Усмон АЗИМ.**

# Йилнинг энг фаол тарғиботчиси

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ўтган йил давомида изчил маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди. Узоқ қишлоқларда овул ва маҳаллаларда кўпдан-кўп анжуманлар, тадбирлар, учрашув, суҳбат ва маърузалар ташкил этди. Бунда республикамиздаги салоҳиятли зиёлиларни уюштириб, уларнинг илмий-ижодий кучларига суянди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа илмий-ижодий ташкилотлар вакилларини ана шу эзгу ишларга жалб этди.

2002 йил якунида Конституциямиз, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламлари орасида тарғиб-ташвиқ этиш, «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурини амалга ошириш, республика бўйича ўтказилган «Шахс, жамият, ислоҳот ва Ватан равнақи», «Мустақиллик ва маънавият» мавзуларидаги маънавий-маърифий тадбирлар мажмуини ўтказишда иштирок этган энг фаол жамоатчи тарғиботчилар аниқланди.

Мансур Бекмуродов, Қобилбек Каримбеков, Марат Ғуломов, Нормурод Нарзуллаев, Абдухалил Маврулов, Носир Муҳаммад, Ғафур Жамолов, Убайдулла Уватов, Абдувоҳид Очилдиев, Жумабой Раҳимовлар йилнинг энг фаол тарғиботчилари деб топилди ва уларни Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг «Маънавият фидойиси» фахрий ёрлиғи билан тақдирлашга қарор қилинди.




«ЭЛЛИКҚАЛЪАТУТИНИУ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
мустақил мамлакатимиз
халқини бутун элликқалъаликлар
номидан
2003 — «Обод маҳалла йили» билан
астойдил қутлаб,
янги йил ҳар бир маҳаллага,
ҳар бир меҳнат жамоасига,
ҳар бир хонадонга бахт,
омад, қут-барака олиб
келишини тилайди!


# Кичкина бир илтимос

Ҳикоя

Шаҳардаги осмонўпар уйлардан бири. Содиқжон тўққизинчи қаватнинг балконида ёнбошлаганча телевизор кўриб ётибди. Эшик тақиллади. Содиқжон ётган ерида товуш берди:

— Хоним, қарагин-чи, ким экан?

Зумрадхон шипиллаб эшикка борди. Тезда қайтди.

— Ўлсин, дам олиш куни ҳам тинч қўйишмайди, — деди энсаси қотиб, — қишлоқча кийинган бир одам сизни сўраяпти.

Содиқжон эриниб қўзғалди. Бўсағада жилмайиб турган тоғасини кўриб қучоқ очди.

— Ие, ие киравермайсизми, тоға! Оббо, тоғажоним-ей, кўзни чирт юмиб жиянчаларни бир йўқлаб келай дебсизда, а? Қани, қани, ичкарига...

Тоға-жиян етаклашиб ичкари кирдилар.

— Ахир бу Турсунбой тоғамлар-ку, аяси, танимадингми? — деди Содиқжон, бир четда ҳурпайиб турган хотинига.

— Ўн йилда бир кўриши, қайдан танисин, — деди тоға, халтасини бир бурчакка қўяркан.

— Энди хафа бўлмайсиз, тоға, — деди Содиқжон, — кейинги пайтда келинингиз склероз деган касалга чалиниб қолди. Кеча нима овқат единг, деб сўрасангиз ҳам эслай олмайди.

Хотин четга қараб афтини буриштирди. Тоға, мен қўлимни чайиб олай, деб ваннахонага кириб кетди. Зумрадхон эрига шипшиди:

— Нимага келди экан, билмайсизми?

— Қизиқмисан? Эшикдан кирмасдан, хўш хизмат деб ёқасидан оламанми? Янги йил олдидан жиянларни бир кўрай деб айланиб келган-да.

— Бунақалар бекордан-бекорга «айлане-еб» келмайди. Шунча йил сувга чўккандай дом-дараксиз кетган одам... нечук бирдан жиянини соғиниб қолибди? Бир касали борки, келган!

— Ҳай, майли, ёлғиз тоғамиз экан, нима гап, нима сўз, аввал эшитайлик-чи, хотин.

— Ҳеч қанақа ёрдам-пордам қилмайсиз, билиб қўйинг. Шунча йил бировларнинг олдига тушиб югурганингиз етар. Бирортаси миннатдор бўлдими?

— Бўлди, кўп вайсамай дастурхон ёз, чой қўй.

Шу пайт юз-қўлини артиб тоға меҳмонхонага кирди.

— Аммо Тошканни суви болдай ширин-да. Ичган саринг ичгинг келади... Келин, холангиз жиянчаларга атаб убу солаётганди. Анави сўмкани қаранг-чи.

Зумрадхон ёлғон димоғ қилди:

— Бекорга овора бўлибсизда. Бозордан олиб турибмиз...

— Бу табаррук, — деди тоға дуо қилиб, — ўзимизни боғда пишган меваларидан.

Содиқжон ҳол-аҳвол сўраган бўлди:

— Қалай, тоға. Деновлар обод бўлаяптими? Жиянлар қалай? Каттаси Нодирмиди?

— Собир.

— Ҳа, ҳа, Собир. Катта йигит бўлиб қолгандир?

— Мактабни битириб бир йил ёнимда ишлади. Биз ҳам ҳозир пермер бўлганмиз. Бу йил армияга кетди. Ундан кейингиси Қодир. Эрта-мертан у ҳам мактабдан чиқади. Аммо калласи ишлайди, ҳисоб-китобга зўр.

— Унда ўқитиш керак экан, — деди Содиқжон эснаб. Зумрадхон ошхонада қулоғини динг қилиб турган эди. Эрининг гапини эшитдию, тағин тоғасига ваъда бериб юбормасин, деб апил-тапил чой дамлаб кирди. Эридан олдин гапга аралашди.

— Ҳозир институтга кириш бирам қийин бўлиб кетган, бирам қийин бўлиб кетган... Бултур ёзда бу кишининг ишхонасидаги тўполонгни кўрсангиз эди. Комиссия устига комиссия! Домлаларга тилхат ёздиришган. Институт олдига қандай машина келса, номерини ёзиб олишибди. Ишонасизми, тоға ректорнинг жияни ҳам киролмади ўқишга. Ҳеч бунақаси бўлмаган.

— Тўғри-да, — деди тоға бош силкиб, — токайгача ё зари бор ё зўри бор ўқийди. Ҳалоллик бўлиши керак-да.

— Шунақа дейсизу лекин сизга ўхшаган жигарларига ёрдам беролмагани учун жиянингиз хижолат бўлади- да, тоға. Ўзлари ҳам яқинда институтдан кетаман, деб юрибдилар.

Зумрадхон «Гапирмайсизми?» дегандек эрининг оёғини босиб қўйди.

— Ҳа, домлачилик қийин бўлиб кетди, — деди Содиқжон ноилож..

Тоға чойини ичиб пиёлага кафтини босди. Шумлиги тутди. Муртидан кулиб деди:

— Э, чатоқ бўлибдию... Биз ҳам кичкина бир илтимос билан келиб эдик, э!

— Қўлимиздан келса, майли, — деди Содиқжон мужмалроқ қилиб. Тоға эр-хотиннинг бетига тикка қаради:

— Билишимча, одамлар илтимос билан келавериб сизларни безор қилиб юборганга ўхшайди.

Келинга жон кирди:

— Жуда жонимизга тегишди, тоға, — деди бошини эгиб.

— Мен унақа хилидан эмасман. Ҳалигача бирон ишимни тўғрилаб бер, деб олдингга келдимми?

— Йўқ, келмадингиз, тоға, лекин...

— Омон бўлсам, бундан кейин ҳам келмайман. Ҳар ким ўз бошини ўз тирноғи билан қашлагани тузук. Бировнинг ҳимматига кўз тиккунча ўз меҳнатингга ишонганинг маъқул, жиян...Хўш, илтимосим шуки, мен ёлғиз тоғангман. Ёшим олтмишдан ўтди. Қишлоқда, қариндош-уруғ дегандай, ота-энангни кўзини кўрганлар бор. Гоҳи-гоҳида шуларни ҳам йўқлаб тур.

Содиқжон аранг оғиз очди:

— Тўғри, айб бизда...

— Адашмасам, қишлоққа қадам босмаганинггаям ўн йилдан ошди. Қўрқмай боравер, жиян, аммо-холаларингга айтиб қўяман, сендан ҳеч нима илтимос қилишмайди. Қайтангга йўл кирангни ҳам беришади. Келин, Содиқжонни туртиб туринг, баъзи-баъзида сават бошларни ҳам йўқлаб қўйса савоб бўлади, ҳайми?

Келин гул-гул очилиб кетди:

— Вой, раҳмат, тоғажон! Хўжайин отпуска олсалар, болаларни етаклаб албатта борамиз. Невараларингиз ҳам қишлоқни роса соғинишган...

Тоға бўш халтасини қўлтиққа уриб ўрнидан турди. Эшикка борганда ўгирилди:

— Хайр, омон бўлинглар. Лекин менинг илтимосим эсинглардан чиқмасин-а?

Эр-хотин қўлларини қовуштириб куллуқ қилиб қолишди.

Эшик ёпилди. Содиқжон жойига келиб ўтирди. Сочларини чангаллаб калла чайқади:

— Кичкина илтимос... Йўқ, бу илтимос эмас, бўйим баравар калтак бўлди, калтак...

**Саъдулла СИЁЕВ.**

# Янги йил янгиликлари



## Кутилмаган воқеа

Шаҳар автобусида кўнгилсизлик рўй берди: саксонга кирган отахон ўзидан кетиб қолди. Хабарларга кўра, отахон автобусга чиққанда йигирмага яқин ёш-яланг баравар ўрнидан туриб, «Ўтириб олинг, марҳамат!» деган. Бундай мурувватдан ҳаяжонланиб кетган отахон ҳушини йўқотган.

Шаҳар транспорти мутасаддиларининг таъкидлашларича, бундай ҳол қайта такрорланмайди. Бунинг учун ўқувчилар, талабалар ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. 1 январдан бошлаб эса ҳар бир ёшга автобусга чиқаётганда газета ёки китобчалар тарқатилади. Улар билан ёшларимиз бемалол юзларини ёпиб ёки ўқиётгандай бўлиб кетишлари мумкин бўлади.

## Билағонга тараф йўқ

«Қушкўнмас» бозорида сотувчилар ўртасида «Нима? Қаерда? Қанчадан?» деб номланган телебўйлашув бўлиб ўтди. Унда Салтанат опа Жаҳонова 288 та бозордаги нарх-навони аниқ ва тутилмасдан айтиб бериб бўйлашув ғолиби бўлди. Фақат опамиз, «Ўғлингиз нечанчи мактабда, қайси синфда ўқийди?» деган бемаъни саволга жавоб беролмай, андак хижолат бўлди.

## Шоир бош тортди

Янги йил арафасида шоир Тўхтатош шеърлари билан айтиладиган қўшиқларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ҳофизлар шоирнинг қўшиқларини завқ-шавқ билан куйлашди. Аммо шоир бу шеърлар ўзиники эканидан кескин бош тортди. «Фақат нақоратларини меники дейишим мумкин. Лекин одамнинг уйқусида алаҳсирашига ўхшаш сатрларни қаердан олишган, Худо билади», деди Тўхтатош. «Бировнинг шеърини меники деган шоирларни кўп кўргандик, аммо бунақасини энди учратишимиз. Ҳойнахой, Тўхтатош деганлари шоир эмас, ёзувчи бўлса керак», дейишди ҳофизлар ёқа ушлашиб.

## Ғолиб яна ғолиб бўлади

Қорбобо соврини учун ўтказилган югуриш мусобақасида Наримон оқсоқ ғолиб бўлди. Ғолибни суҳбатга тортдик:

— Илгари ҳам бундай мусобақаларда қатнашиб келармидингиз?

— Қаёқда. Бошлиқ чақириб, мусобақа бўляпти экан, бизи ташкилотдан сен борасан, деди. Бошлиқнинг гапи қонун — бордим. Атроф тўла одам. Югураймми, югурмайми деб турсам, томошабинлар ичида ўтирган Болта қассобга кўзим тушиб қолди.

— Болта қассоб деганингиз бу сизнинг мураббийингиз бўлса керак-да?

— Қанақа мураббий? Қассоб деяпман-ку! У менга қараб қўлини силтай кетди.

— «Бўш келма, биродар!» деб сизга далда берган-да.

— Менам унга қўл силтагандим, биз томонга юрди. Қарасам ҳамма югуриб кетяпти, менам чопа кетдим. «Етиб олсам у қиламан, бу қиламан!» деган Болта қассобнинг овози яқинлашиб кела бошлади. Бир чопдим, бир чопдим, шамол бўлиб кетдим. Бир пайт мени ҳамма ўраб олди. Қўлимга совға топширишиб, ғолибсан дейишди.

— Демак, ғолиб бўлишингизга, асосан, Болтавой аканинг илҳомбахш сўзлари сабаб бўлган?

— Қанақа илҳомбахш сўз-а! Болта қассобдан қарзим бор эди. Бермай, кўзига кўринмай юргандим. Етиб олса ёмон қиларди.

— Келгуси режаларингиз?..

— Режа? Бизда режа нима қилади. Режа бошлиқда бўлади. Ие, Болта қассобми?

Наримон ака суҳбатимизни чала қолдириб чопа кетди. Аммо у кишининг бошлиқлари саволимизга тўлиқ жавоб қилишди:

— Наримон вилоят биринчилигида ҳам, албатта, ғолибликни қўлга киритади.

— Нега энди комил ишонч билан бундай деяпсиз?

— Болта қассоб билан келишиб қўйдик. У Наримоннинг ортидан болтасини кўтариб чопиб берадиган бўлди.

**ЭЪЛОН**

*Қишқи синовлар олдидан институтда «Очиқ эшиклар куни» ўтказилади. Талабаларнинг амма-ю холалари, тоға-ю поччалари синов олувчи ўқитувчилар билан бемалол эшикларни ёпиб олиб гаплашишлари мумкин.*

**Хабаркаш Саид АНВАР.**




Азиз юртдошлар!
Сизларни
2003 йил билан
Халқаро Шароф Рашидов
Хайрия фонди аҳли
номидан самимий
муборакбод этамиз.
Ҳаммаларингизга мустаҳкам соғлиқ,
узоқ умр, фаровону чароғон
бахтли ҳаёт тилаймиз.
Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш,
элу халқимиз
фаровонлигини юксалтиришда
Яратганнинг ўзи қўлласин.
Халқаро Шароф Рашидов Хайрия фонди
Марказий Кенгаши ҳайъати.



Янги – 2003 йил билан,
азиз юртдошлар!





Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация
оператори "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси
Сизларни 2003 йил билан самимий муборакбод этади.
Янги йилда Сизларга бахт-саодат, ишларингизда
омад ва улкан зафарлар, оилангизга тотувлик ва
хотиржамлик тилайди.



O'ZBEKTELEKOM
Aktsiyadorlik kompaniyasi
Toshkent, 700000, Amir Temur ko'chasi, 24.
Tel.: 133-42-59, faks: 136-01-88.
www.uztelecom.uz, e-mail: uztelecom@intal.uz



«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Ҳожимурод Исоқовга падари бузруквори **ИСРОИЛ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси жамоаси уюшма бошқарувининг собиқ раиси **Ботир Қодирович ИРГАШЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдиради.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 71. 33553 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев.
Навбатчи — М. Юсупов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41., Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди 20.00 1 2 3 4 5 6